



Республика
болалар ижтимоий
мослашуви маркази
Самарқанд
минтақавий
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги
болалар ва уларнинг оилаларига
мажмуавий ёрдамнинг самарали
моделли – уларнинг жамиятга
ижтимоийлашувини таъминлаш
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

6. Основы социальной реабилитации детей-инвалидов / Андреева Р. С., Пузин С. Н., Лаврова Т. И. и др. – М., 20
7. Формирование индивидуальной программы реабилитации у детей-инвалидов / Андреева О. С., Пузин С. Н., Лаврова Д. И. и др. – М., 2005.
8. Dan B., Mayston M., Paneth N., Rosenbloom L. Cerebral palsy: science and clinical practice – London: Mac Keith Press, 2014. 692 p.

МАХСУС ТАЪЛИМДА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР УЧУН ИНТЕГРАСИЯЛАШГАН ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

- **Ҳ.С.Акрамова,**
Жиззах давлат педагогика институти Дефектология кафедраси ўқитувчиси,
- **У.Қ.Джураева,**
Мактабгача таълим йўналиши 2-босқич магистранти

Республикамизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг мақсади давлатимиз келажагига муштахкам пойдевор қуришдан иборат. Бу пойдевор соғлом, етук ва баркамол шахсларни тарбиялаб вояга етказиш натижасида яратилади. Шунинг учун ҳам кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим тизимини ривожлантириш ва ислох қилиш юзасидан қатор қонунлар, ҳукумат фармойишлари қабул қилинган. Таълим соҳасидаги бу ислохотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси махсус эҳтиёжли болалар таълим-тарбиясини ҳам қамраб олган.

Махсус таълим имконияти чекланган болалар учун таълим тизими сифатида ривожланган. Ушбу таълим имконияти чекланган болаларнинг эҳтиёжларини умумтаълим муассасаларида қондириб бўлмайдиган, деган тахминлар асосида қурилган. Махсус таълим бутун дунёда мактаб ёки интернат шаклида, шунингдек, умумтаълим мактабларининг катта бўлмаган қисмлари сифатида фаолият юритади.

Махсус эҳтиёжли болаларнинг махсус таълим тизимда ўқитилиши уларнинг мактабни тугатган ижтимоий жамиятга мослашиб кетишларини қийинлаштиради. Шунингдек, уларнинг ўз оиласидан узоқда бўлишларига мажбур қилади. Бу тоифа болалар боқимандаликка ўрганиб қоладилар, ўз-ўзига хизмат қилишларида қийинчиликларга дуч келадилар. Бундан ташқари, жуда кўплаб махсус эҳтиёжли болалар таълимдан четда қолиб кетмоқдалар.

Интеграциялашган таълим тизимининг бир қатор қуйидагича чегараланган томонлари мавжуд:

- умумтаълим муассасаларда комплекс тиббий-педагогик ёрдам олиш имконияти бўлмайди;
- умумтаълим мактаб педагоги махсус методикани билмаганлиги сабабли имконияти чекланган болаларнинг махсус эҳтиёжларини қондирмайди.

Интеграциялашган таълим тизимининг бир қатор қуйидагича чегараланган томонлари мавжуд:

- умумтаълим муассасаларда комплекс тиббий-педагогик ёрдам олиш имконияти бўлмайди;
- умумтаълим мактаб педагоги махсус методикани билмаганлиги сабабли имконияти чекланган болаларнинг махсус эҳтиёжларини қондирмайди;
- умумтаълим мактабларида тифло, сурдотехник воситалар, махсус тиббиёт ускуналар бўлмайди.

Синфда ўқувчилар сони 25 тадан, 35 гача етади ва оқибатда уларнинг барчасига кўп вақт ажрата олмайди.

Умумтаълим мактабларда ўқувчиларда махсус малака ва кўникмаларни шакллантириш учун мутахассислар бўлмаганлиги сабабли, имконият топиш қийин.

Умумтаълим мактабларда алоҳида дастур ва дарсликлардан фойдаланиш имконияти бўлмайди. Инклюзив таълим тизими интеграсиялашган таълим тизимидан ўзининг мазмун-моҳияти, мақсади, вазифалари ва ҳаракат дастури билан фарқланади.

Инклюзив таълим – бу давлат сиёсати бўлиб, ногиронлиги бўлган ва соғлом болалар ўртасидаги тусиқларни бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болалар (айрим сабабларга кўра ногиронлиги бўлган), ўсмирлар ривожланишда учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъи назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараёнига қўшишни

ифодаловчи таълим тизимидир «Инклюзив таълим»нинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги бир қатор вазифаларни ҳал этади:

- талабаларга инклюзив ва интеграциялашган таълим тизими ҳақида маълумот бериш;
- инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларини очиқ бериш;
- инклюзив таълимни жорий этиш олдида турган муаммоларни ўрганиш ва бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаб топиш;
- инклюзив таълимни қўллаб-қувватлашнинг асосларини ўрганиш;
- инклюзив таълим тизимини жорий қилиш тамойилларни таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълим тизимини жорий қилиш борасидаги назарий, амалий ва ҳуқуқий аҳволни ўрганиш;
- инклюзив таълим муасасаларининг мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- ўқитувчининг иш фаолияти ва мақсади билан танишиш;
- инклюзив таълим муасасаларининг ходимлари вазифалари билан танишиш;
- инклюзив таълим муасасалари мутахассисларининг ота-оналар билан ҳамкорлигининг йўлга қўйилганлик даражасини аниқлаш;
- инклюзив таълим муассасаларида олиб борилаётган ислохотларни ўрганиш;
- инклюзив таълимга жалб қилиш босқичларини, амалиётга жорий этиш йўлларини ўрганиш, иш тажрибаларини таҳлил қилиш кабилардан иборат.

Адабиётлар

1. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълимни ташкил этиш тўғрисида муваққат НИЗОМ. ЎРХТВ 234-сонли буйруғи. – Т., 2005.
2. «Мактаблар ҳамма учун». – «Болаларни қутқаринг жамғармаси», 2002.
3. Мактабларин олқишлаб – инклюзив мактаблардаги ногирон ўқувчилар. – ЮНЕСКО, 1999.

АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАРДА МЕҲНАТ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- **Ҳ. Акрамова,**
Жиззах давлат педагогика институти,
- **Г. Муродова,**
Дефектология йўналиши талабаси

Махсус (коррекцион) мактабда меҳнат таълими ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Унинг якуний мақсади – ўқувчиларни замонавий шарт-шароитда мураккаб бўлмаган ишларни мустақил бажаришга тайёрлаш. Мазкур меҳнат кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш орқали қатор вазифаларни ечишга эришилади. Қуйида улардан асосийларини кўриб чиқамиз:

1. Ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятлари нуқсонларини ва бу асосда унинг умумий ривожланиш даражасини тузатиш. Ўқитишни махсус ташкил этиш йўли билан ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятларини ривожланиш даражаси сезиларли равишда оширилиши мумкин.

Кўриб чиқиладиган умумий вазифа қатор хусусий вазифалардан ташкил топади, уларнинг ҳар бири ўқувчилар меҳнат фаолиятининг алоҳида томонлари (интеллектуал, ҳаракат жараёнлари, иш қобилияти) ни коррекциялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган.

2. Ўқувчиларнинг ахлоқий, меҳнатга оид, жисмоний ва эстетик тарбияси:

- ўқувчиларнинг меҳнатга оид тарбияси меҳнатга барқарор ижобий муносабатни ва танланган касбга қизиқишни шакллантириш, меҳнат фаолиятида, жамоат мулкига эҳтиёткор муносабати ҳамда умумий меҳнат натижалари учун масъулият, меҳнат одатларида юқори кўрсаткичларга эришишга интилишни назарда тутати;

МУНДАРИЖА

№	Муаллифнинг ФИШ	Мақола номи	Саҳифа
1.	Алимова В.С.	Защита прав детей: международный и национальный опыт	3
2.	Алимова В.С.	Использование информационных технологий людьми с инвалидностью	5
3.	Абдужалилова Ф.Ш.	Нутқий мулоқотнинг миллий-маданий ўзига хослиги	7
4.	Абдуқодирова Н.А.	Мактабгача таълим ташкилотларида болалар маънавиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	9
5.	Абидова Н.З., Рузмухамедова Х.Ш.	Таълим технологияларининг янгича усуллари ва воситалари	11
6.	Алимова М.	Социально-педагогическая реабилитация детей с детским церебральным параличом	13
7.	Акрамова Ҳ.С., Джураева У.Қ.	Махсус таълимда имконияти чекланган болалар учун интеграциялашган ва инклюзив таълим	15
8.	Акрамова Ҳ., Муродова Г.	Ақли заиф ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш	16
9.	Акрамова Ҳ.С., Қувонов С.Б.	Дидактик ўйинларни танлашда замонавий технологияларнинг аҳамияти	17
10.	Аллаёрова М.З., Раҳматуллаева М.Р.	Кўзи ожиз болаларга атроф-муҳитда тўғри ҳаракатланиш технологияларини ўргатиш талаблари	19
11.	Арсланова М.М.	Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ақли заиф ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш модели	21
12.	Аюпова М.	Туғма танглай ёриқликларида даволовчи ва профилактик ёрдамни ташкил этиш	22
13.	Ахмаджонов З.З.	Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги мажмуавий ёрдам кўрсатиш тушунчаси ва аҳамияти	24
14.	Ахророва А.А.	Аутистик спектрида бузилиши бўлган болаларга ташҳис қўйиш усуллари	26
15.	Базаров А.А.	Фитнес терапия – ҳимояга муҳтож гуруҳдаги болалар ва уларнинг оилалари ижтимоийлашувини таъминлаш омили сифатида	28
16.	Базарова Р.А.	Фарзандларимиз ота-она меҳрини туйиб яшашни истайди	30
17.	Баҳадирова З.	Оғир нутқ камчилигини бартараф этишда логопед ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги	32
18.	Баҳадирова З.	Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда оиланинг аҳамияти	35